

Тошкент Оқшоми

2007 йил, 5 июнь, СЕШАНБА

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 106 (10.915)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Каска сатрларда

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги «Сайқал» қаҳвахонасида туман хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЕИХ туман бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Республика Қизил Ярим Ой жамияти, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман бўлими хамкорликларида Халқаро болаларни химоя қилиш куни муносабати билан «Бўстон» маҳалласида истикомат қилаётган кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида ўтказилган тадбир «Хар бир болага алоҳида эътибор» деб номланди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманида «Тенгдош» маданият уйи бадий хаваскорлик жамоаларининг ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Республика Перинатал марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган малака ошириш курсини тамомлаган шифокорларга сертификатлар топширилди.

● **ЕШ** оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Акциядорлик тижорат «Ипотека» банкнинг Собир Раҳимов туман бўлими томонидан 660 миллион сўм кредит ажратилди.

● **БУГУН** «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши хамкорликларида иқтидорли ёшлар ўртасида ташкил этилган «Келажақ овози» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари тақдирланди.

● **КЕЧА** Татар миллий маданият маркази ташаббуси билан уюштирилган татар халқининг миллий байрами—«Сабантўй» тадбирида элчионалар ходимлари, дипломатик корпус ҳамда миллий маданият марказлари вакиллари, шахримиз жамоатчилиги иштирок этди.

● **КЕЧА** Ижтимоий химоя йилига бағишлаб 23-Меҳрибонлик уйда уюштирилган хайрия тадбирида «СОС киндердорф интернейшнл» халқаро жамияти вакиллари ҳам иштирок этиб, тарбияланувчиларга эсдалик совғаларини тухфа этишди.

● **КЕЧА** Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицейда, Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги хорижий тиллар академик лицейида ўқитувчилар ҳамда битирувчи босқич ўқувчилари иштирокида хайролашув тадбирлари ўтказилди.

● **КЕЧА** Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан уюштирилган «Йилнинг энг яхши психологи—2007» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиблари аниқланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШГА, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖАЛБ ЭТИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ИМПОРТ ҲАМ БЎЮРТМАЛАР ТУШАЁТГАНИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР.

Қўшма корхоналарда ИМПОРТ ҲАМ БЎЮРТМАЛАР ТУШАЁТГАНИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР.

Республикада мустақиллик йилларида ташкил топган «ЛОК КОЛОР SINTES» қўшма корхонаси ўтган 10 йил давомида нафақат Ўзбекистон бозорига ўз нуфузига эга бўлди, балки маҳсулот экспортини ҳам йўлга қўйди. Ҳозирда корхона мутахассислари томонидан замонавий техника ва технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи лок-бўёқ маҳсулотлари илгарилари юртимизга хориждан келтирилди. Корхонанинг ишга тушиши эса ана шундай зарур ва рақобатбардор лок-бўёқ маҳсулотларини ўзини ўзини қўриқиб олишга имконини яратди. Шунингдек, алоҳида таъкидлаш ўринлики, бу борада мамлакатимизда чет эл сармоядорлари учун яратилган кенг имкониятлар, ҳуқуқий кафолат, қўллаб-қувватлашлар ўз самарасини берди. Бугунги кунда корхонада хориж инвесторларининг (Нидерландия ва Британия) улуши 87,25 фоизни ташкил этади.

Корхонада айни кунларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар биринчи навбатда темир йўл транспортда кенг фойдаланилмоқда. Цехлардан чиққан сифатли лок, бўёқ ва эмал маҳсулотлари хар қандай иқлим шароитига чидамли бўлиб, коррозияга қарши хусусиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Шу боис

халқнинг бажарадиган тикув цехи ишга тушди. Ўтган давр мобайнида ишчи-хизматчилар сафи 5 баробарга кўпайиб, кадрлар малакаси ҳам ортиб бормоқда. Бу билан корхона аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Сифатга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, корхона қошида сифатни бошқариш синов лабораторияси ишлаб турибди. Янги маҳсулот турларини синовдан ўтказиб ва ишлаб чиқаришга жорий этишга ўшбу лаборатория малакали мутахассисларининг ҳиссалари салмоқлидир.

Корхонанинг доимий буюртмачилари хусусида тўхтагани бўлса, «Олмалик тоғ-металлургия комбинати», «Навоийазот», «Узпақтамаш», «Тошкентлоқмаш», «Подъёмник», «Алгоритм», «Электрохимпром» акциядорлик жамиятлари, Андижон механика заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Бекобод металлургия комбинати сингари йирик корхоналарни айтиб ўтиш лозим. Буюртмачилар талабини қондириш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб бориш ва таҳлил қилиш муваффақиятларга гаров бўлади. Чунки маҳсулот сифати, аввало мижозлар баҳо беришда.

Корхонада меҳнат қилаётган 500 нафардан зиёд ишчи-хизматчиларнинг меҳнатлари эвазига жорий йилнинг ўтган ойларида 1000 тоннадан зиёд лок-бўёқ маҳсулотлари буюртмачиларга етказиб берилди. Асосий мақсад эса ички бозорни импорт ўрнини босувчи лок-бўёқ маҳсулотлари билан таъминлаш борабарда экспорт ҳажминини оширишдир. Бунинг учун эса тайёрланаётган маҳсулотларнинг жаҳон андозалари даражасида бўлишини доимо назорат қилиш ва ана шунга интилиш кераклигини тадбиркорлар жуда яхши билишадилар.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: корхона ишчи-хизматчилари маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратишда.

Козим Улмасов олган суратлар

МИРЖАЛОЛНИНГ ХАЙРАЛАШУВ УЧРАШУВИ

Евроосиё футбол юлдузларининг маҳорат кўригига айланди

ЎЗБЕК ФУТБОЛИДАН ДОИМО ЙИРИК ИҚТИДОРЛАР ЕТИШИБ ЧИҚҚАН. ГЕННАДИЙ КРАСНИЦКИЙ, БИРОДАТ АБДУРАИМОВ, ҲАМИД РАХМАТУЛЛАЕВ, ТЎЛАГАН ИСОҚОВ, МИХАИЛ АН, ВЛАДИМИР ФЕДОРОВ, ОЛИМ АШИРОВЛАР ШУЛАР ЖУМЛАСИДАНДИР. БУ РЎЙХАТНИ УЗОҚ ДАВОМ ЭТТИРИШ МУМКИН. БИРОҚ УЛАР ОРАСИДА АЙТИШ МУМКИНКИ, ҲАММАДАН ҲАМ ЁРҚИН ЧАКНАГАН ЯНА БИР ФУТБОЛ ЮЛДУЗИ БОР. У — ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИНИНГ СОБИҚ САРДОРИ МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВДИР.

Дарҳақиқат, Миржалол Қосимовнинг катта футболда эришган ютуқларига назар ташлар эканмиз, ҳеч бир юртимиз чарм тўп устаси бундай муваффақиятларга юз тутмаганини кўра-миз. М. Қосимов — ўсмирлар ўртасида жаҳон ва Европа чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби, Ўзбекистоннинг уч карра, Россиянинг бир бор чемпиони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий ўнвони соҳиби, «Шухрат» медали, «Фидокорона хизматлари учун» ҳамда «Меҳнат шухрати» орденлари билан тақдирланган. Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафларида 67 та ўйинда майдонга тушиб (рекорд натижа), энг кўп — 30 та тўп киритган...

(Давоми 4-бетда).



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ кўмитасининг Солиқ академиясида мамлакатимизда газначилик тизимини шакллантириш шароитида бюджет-солиқ сийёсатининг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ кўмитаси ходимлари ҳамда мазкур соҳага дахлдор таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари катнашди.

● Навоий вилояти пиллакорлари қабул пунктларига 830 тоннадан ортиқ сифатли хом ашё топшириб, шартнома мажбуриятини бажаришди.

● Фарғона вилоятида «Хар бир фарзандга меҳр-эътибор» ҳафталиги ўтказилди.

● Япония ҳукумати Ўзбекистондаги урта тиббиёт маскани—Тошкент шаҳар марказий шифохонаси, Тошкент Тиббиёт академияси клиникаси ва Бекобод шаҳар болалар касалхонасини янги тиббий жиҳозлар билан таъминлаш учун 338 минг 744, Ангрэн шаҳридаги 33-ўрта мактаб ўқув шароитларини яхшилаш учун эса 63 минг 981 АҚШ доллари миқдорига грант ажратган эди. Ушбу жиҳозлар шифохоналар ва мактабга топширилди.

● Самарқанд Давлат университетидеда чаканда ўсимлигини етиштириш ва ундан кенг фойдаланиш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий семинар ўтказилди.

● Асакалик тадбиркор Хусниддин Аҳмедов янги оилалар учун уй-рўзгор буюмлари, замонавий мебеллар мавжуд бўлган маҳсус дўкон очди.

● Термиз шаҳрида жисмоний имконияти чекланган иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган «Мафтуркор ранглар дунёси» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

● Ҳазорасп туманидаги «Hazorasp textil» масъулияти чекланган жамияти жамоаси 2,5 ой ичида хорижа 300,2 минг АҚШ долларидек 208 тонна ип-калавэ экспорт қилди. Йил охиригача яна 800 тоннадан зиёд ярим тайёр маҳсулот Россиянинг тўқимачилик корхоналарига жўнатилади.

● Наманган тумани ёшларининг Тошбулок шаҳарчасидаги маданият саройида ўтказилган форуми «Айтил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?» деб номланди.

● Ҳивада республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Фанлар академиясининг Зоология институти ҳамда Хоразм Маъмур академияси хамкорлигида «Термилар: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусидаги семинар-тренинг ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Европа Иттифоқининг ташқи сийёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича олий комиссари Хавьер Солана билан Эроннинг миллий хавфсизлик олий кенгаши котиби Али Ларижоний учрашиб, Эроннинг ядро дастури бўйича музокаралар ўтказди. Бироқ томонлар урнини бойитишни тўхтатиш бора-бора келиша олмадилар.

● Нью-Йоркдаги Жон Кеннеди номидаги халқаро аэропортда террорчилик ҳаракати уюштиришга тайёргарлик кўришда гумон билан уч киши қамоққа олинди. Улар авиация ёнилғиси етказиб бериладиган қувурни портлатиб юбормоқчи бўлишган.

● Гагага халқаро трибуналида Либериянинг собиқ президенти Чарльз Тейлорнинг ишнини кўриш бошланди. 59 ёшли Тейлор инсониятга қарши жиноят содир этиш, ирқчилик урушини авж олдириш каби жиноятларда айбланмоқда. Шунингдек, у 1991-2002 йилларда Либерияга қўшни Сьерра-Леоне давлати аҳоли пунктларининг ваҳшийларча ўлдирилган 120 минг нафар одами учун ҳам жавоб бериши лозим.

● Хитойнинг жануби-ғарбида Рихтер шкаласи бўйича 6,4 баллик zilзила рўй берди. Сўнгги хабарларга қараганда, табиий офат туфайли уч киши ҳаётдан кўз юмган, 300 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Офат электр узатиш тармоқларини издан чиқарган ва сув таъминотига зарар етказган.

● Замонавий техника ва сунъий йўлдош ютуқлари самараси ўлароқ дунёда илк бор масофадан туриб тиббий жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Профессор Карло Папони АҚШнинг Бостон шаҳридан туриб Италиянинг Милан шаҳри шифохоналаридан биридаги бемор устидан операция ўтказди.

● Сьерра-Леоненинг Фритауна аэропортига йўл олган Ми-8 вертолётининг кулаб тушиши оқибатида 20 киши ҳаётдан кўз юмди. Дастлабки маълумотларга кўра, ҳалок бўлганлар Тоғо давлатининг фуқароларидир. Улар мамлакат футбол терма жамоаси ўйинини томоша қилиб қайтишаётган эди. Ҳозирча ҳалокат сабаби аниқланмаган.

● Венадаги хусусий уйларнинг биридаги сейфдан машҳур скрипка устаси Страдивари томонидан ишланган, қиймати 2,5 миллион евролик скрипка ўғирлаб кетилди. Шунингдек, сейфдан XIX асрда француз устаси Вильома томонидан ясалган 120 минг евролик яна бир скрипка ҳам йўқолган. Интерпол ушбу жиноят юзасидан кидирув эълон қилди. Бироқ ҳозирча жиноятчининг шахси аниқланмаган.

“ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ” ЖАМҒАРМАСИНИНГ “YANGI AVLOD FORUMI” БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИДА ХАЙРИЯ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ИСТЕЪДОДЛИ ЎҚУВЧИЛАР, УЛАРНИНГ МУРАБИИ ВА ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ОТА-ОНАЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

«БИЗ — ЯНГИ АВЛОД ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ!»

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олиши ва олижаноб фазилатлар соҳиби бўлиб камолга етишини таъминлашга доир ишлар давлатимиз сийёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Бу борада қабул қилинган қўллаб-қувватлаш, фармон ва қарорлар, миллий лойиҳалар ижро, босқинча-босқич, аниқ, манзилли ва ижтимоий йўналтирилган тарзда ҳаётга татбиқ этилаётгани билан аҳамиятлидир.

Фарзандлар камолоти йўлидаги хайрли ишларга турли вазирлик, идоралар билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ўтказётган тадбирлар ёшларни қўллаб-қувватлаш, навқирон истеъдод соҳибларини аниқлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Таълим грантлари, иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурлари, республика истеъдодли ёшларининг «Янги авлод», «Келажақ овози» кўрик-танловлари, «Навқирон Ўзбекистон» фестивали, концертлар, кўргазмалар юртимиз ўғил-қизларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шу йилнинг февраль ойида жамғарма томонидан ташкил этилган «Yangi avlod forumi»

болалар ижодиёти марказида беш юз нафардан зиёд ўқувчи рақс, тасвирий санъат, ашула, театр санъати, хорижий тиллар, ахборот технологиялари, «Мохир кўллар», тикувчилик сингари йўналишлардаги клублар, тўрақларда шуғулланади. Ижодиёт марказининг Хадича Имомназарова, Муродулла Ҳакимов, Анна Дряхлова сингари истеъдодли ўқувчилари республика миқёсида ўтказилган кўрик-танлов ва фестивалларда муваффақият қозонган.

«Биз — янги авлод фарзандларимиз!» мавзусидаги хайрия тадбири доирасида болаликнинг беғубор оламини акс эттирувчи фотокўргазма, асфальтта расм чизиш бўйича кўрик-танлов ўтказилди. Ушбу маскандаги бадий галереяда эса тасвирий санъат тўрага иштирокчиларининг она-юртимиз, мафтуркор табият манзаралари акс эттирилган суратлар ҳамда «Мохир кўллар» клуби ўқувчилари ишлаган қизиқарли макет ва ўйинчоқлар кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбир якунида марказнинг бадий жамоалари, раққоса, созанда ва хонандалари, шунингдек ўзбек эстрада юлдузлари иштирокидаги концерт намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ТАДБИРКОР



«Al-tach» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ана шундай жамоалардан саналиб, ўзларининг рақобатбардош махсулотлари турларини йил сайин кўпайтириб бормоқда, республикамиз аҳолисини сифатли шампунь, ювиш ва оқартирувчи ашёлар билан таъминлашга муносиб ҳисса қўймоқда...

либ уларнинг тури 70 хилдан ортиб кетди. Бу Туркиядан келтирилган замонавий дастоҳ ва ускуналардан, ҳамкор давлатдан олиб келинган ҳамда маҳаллий хом ашёлардан самарали фойдаланиш, бозорни, харидор дид ва талабни етарлига ўрганиш натижасидир. Президентимиз Вазиран Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида иқтисодиётга хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан тўғри инвестицияларни жалб этишни энг муҳим устувор йўналиш қаторида таъкидлаб экан, жумладан: «Энг муҳими четдан имтиёзли сармояларни олиб келиш—бу пировард натижада мамлакатимизда рақобатга бардошли, кучли иқтисодиётни барпо этиш ва жаҳон бозоридан ўз муносиб ўрнини эгаллашга қодир бўлиш демакдир», деди. Албатта, бу борада бизнинг ҳам муносиб ўрнини бўлишдан бениҳоя мамнунимиз ва келгусида ҳамкорлик билан янги лойиҳаларни амалга оширишга, иқтисодиёт рақобатига ҳисса қўишига интиламиз.

ИЧКИ БОЗОРНИ ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАХСУЛОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ВА ШУНИНГ БАРОБАРИДА ЎЗЛАРИНИНГ ЭКСПОРТБОП ТОВАРЛАРИ БИЛАН ХОРИЖИЙ ХАРИДОРЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ҚўШМА КОРХОНАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС УЛУШИ БОР.

КОРХОНА ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

махсулот тайёрлаган тадбиркорлар жорий йилда ушбу рақамни 600 миллион сўмликдан зиёдга етказишмоқчи. Йил бошидан буён 3-4 хил янги махсулот турлари яратилди. Айниқса, «SECRET» савдо белгиси билан тайёрланаётган соч ювиш воситалари харидорлиги билан ажралиб туради. Хозирда корхонада махсулотларни бежирим ва чиройли қадоқлаш учун идишлар ҳам тайёрланмоқда. Яқин кунларда тадбиркорлар ана шу идишларни тайёрлаш учун зарур хом ашёни ҳам ўзимизда ишлаб чиқаришга сарф-ҳаракат қилишмоқда. Бунинг учун янги технологик линиялар ўрнатиш кўзда тутилган. Бу эса тайёр махсулот таннани арзонлаштиришда муҳим аҳамият касб этиб, яна кўплаб харидорларни жалб этишда катта роль ўйнайди. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, корхона ўз махсулотларини мамлакатимиздаги кўплаб савдо шох-оччаларига, супер ва мини маркетларга шартнома асосида етказиб бermoқда.



СУРАТЛАРДА: махсулотлар учун идишларни тайёрлашда моҳир ишчилар Маъмур Аҳмедов ва Элдор Мамамов рақобатбардош махсулотларни тайёрлашда юксак унумли техника ва технологиялардан фойдаланаётган ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар муваффақиятларга асосий гаровдир. Шу боис ҳам корхонада ишчиларнинг бариқлиги ишлаши, яхши дам олиши, овқатланиши учун қўлайликлар яратилган. Буларнинг барчасидан кўзланган асосий мақсад—ички бозорни талаблар даражасидаги товарлар билан таъминлаш ва муҳими жаҳон андозалари даражасидаги махсулотлар экспортини ривожлантириш, корхона истиқболига эришишдир.

Шарофат БАХРОМОВА

Козим Ўлмасов олган суратлар

Иқтисодиёт

ХАРИДОР ТАЛАБИ АСОСИДА

ПОЙТАХТИМИЗДА БИР НЕЧА ЙИЛДАН БУЁН ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «ORIENT MEBEL» ҚўШМА КОРХОНАСИДА ЖАХОННИНГ ЕТАКЧИ КОМПАНИЯЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ МЕБЕЛЪ МАХСУЛОТЛАРИ Ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинаётгани боис ҳам Харидорлар талаби тўла бажарилмоқда.

Кипр давлати билан ҳамкорликда тузилган ушбу қўшма корхонада ҳонадон эшиклар, девор панеллари, европа-ча услубдаги ошона мебеллари тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, бу борада тадбиркорларга Германия, Италия, Польша, Россия ва Испанияда ишлаб чиқарилган замонавий технологик линиялар кўл келмоқда. Махсулотларни ишлаб чиқаришда мебелсоларнинг экологик табиий тоза материаллардан самарали фойдаланаётгани сифатда алоҳида ўрин эгаллайди. Эшик ва ошона мебеллари тўпламларини ишлаб чиқариш учун Россия ва Европа давлатларидан келтирилаётган хом ашё ҳамда пардозлаш буюмлари ишлатилади. Корхонада куришти, қайта ишлаш, бўяш ишларининг барчаси замонавий технологиялар асосида адо этилади.

— Айна пайтада махсулотларимиз тури 10 тадан ортиб кетди, — дейди корхона менежери Светлана Ким. — Мебелларимизга республикамизда талаб жуда катта. Чунки улар бемалол хорижикчи билан рақобатлаша олади. Харидор талабидан келиб чиққан ҳолда мебеллар кўриниши ва дизайнига, сифати ва мустаҳкамлигига эътибор қаратамиз.

Корхона цехларида ҳозирда 192 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатиб, уларнинг баракади меҳнат қилишлари учун шароитлар етарли. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки бугунги кунда корхонада тайёр ошона (мебеллар тўплами) ишлаб чиқариш учун энг замонавий Италия линияси ишлаб турибди. Унинг ёрдамда турли моделлар яратилиб, ҳар қандай юксак дидли буюртмачининг талабини ҳам қондириши мумкин. Тадбиркорлар келгусида янги махсулот турларини яратиш йўлида изланишмоқда.

Ишлаб чиқариш ҳажми ортади

«ONIKS» АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АХЛИ ТАЙЁРЛАётган жилоси ЖОЗИБАДОР, КўРиниши КўРкам биллур буюмлари ҲАР қандай харидорга мАНЗУР бўлиши, ШУБҲАСИЗ.

Буни, албатта корхона махсулотларига харидорлар сафи ортиб бораётганидан билса бўлади. Шу боис ҳам тадбиркорлар жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 20 фоизга ошириб, жами 5 миллиард сўмлик махсулот тайёрлашга интилишмоқда. Бир неча йилларда турдаги янги махсулотлар яратилишмоқда, бу албатта бозорни ўрганиш асосида олиб бориляпти.

Йил охиригача корхонада 4 та янги кичик печлар ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, улар рангли биллур буюмлар ишлаб чиқариш учун мўлжалланган. Қозғиш ва қўқиш турдаги рангли махсулотлар ўзига хос жозибаси билан харидорни жалб эта олади. Кичик печларнинг ишга тушиши натижасида эса яна 40 нафар киши иш билан таъминланади. Шунинг баробарида экспорт ҳажми ҳам ортади. Хозирда корхонанинг рақобатбардош махсулотлари Қозғистонга экспорт қилинмоқда.

Дилноза СОДИҚОВА

Фан

ЗАМОНАВИЙ КАТАЛИЗАТОРЛАР

НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ КЕНГ РИВОЖ ТОПАётган ҲОЗИРГИ ВАҚТДА ФАН ЙЎЛИ БИЛАН БУ ЖАРАЁНЛАРДАН УНУМЛИ Фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий изланиш институти олимларининг изланишлари ҳам муҳим ҳалқ ҳужаги аҳамиятига эга бўлмоқда.

Илмий массадада яратилган янги хил катализаторлар нефть махсулотларининг гидрокрекинг ҳаракатланишини аниқлашга кўл келди. Давлат патент идорасидан рўйхатдан ўтказилган бу ангилидан никел, молибден, алюмин оксидларини аниқлашда ҳам фойдаланилади.

ТАДҚИКОТЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

ЎЗБЕКISTONДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАБИЙСИ ПРОФЕССОР МАХМУД АБРАЛОВ ФАНДА ЎЗИГА ХОС САЛМОҚЛИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРГАН ТАНИҚЛИ ОЛИМ ҲИСОБЛАНДИ.

Унинг пайвандада металлларнинг қотиш жараёнини ва тузилма ўзгаришларини микрооскоп орқали юқори тезликка эга бўлган тасмаларга тасвирга тушириш методикасига доир тадқиқоти, айниқса самарали бўлмоқда. Тошкент Давлат техника университетидан бу изланувчан олим фаолиятига бағишланган илмий анжуман ўтказилди.

Озод АББОСОВ

БОЛАЛАРГА — ТУЁНА

ЎЗБЕКISTON ТАСВИРИЙ САҲЪАТ ГАЛЕРЕСИДА ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ КУНИГА БАГИШЛАНГАН БОЛАЛАР ИЖОДИЙ КўРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ. КўРГАЗМА «СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН» ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ, МИЛЛИЙ БАНК ВА «КОЛИБРИ» АРТ-БЮРОСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

«Менинг момик мушугим» номли ушбу кўргазмада тўрт ёшдан ўн беш ёшгача бўлган болаларнинг юздан зиёд қозога, матога ишлаган суратлари, ипдан тўкиган, турли материаллардан тиккан мушукчалари намойиш этилди. Унда 24-Меҳрибонлик ўйи тарбияланувчилар ва бошқа меҳрибонлик ўйларидан олти юзга яқин болаҳон иштирок этди.

Кўргазма очилишида болаларга бағишланган байрам дастури бўлиб ўтиди. Унда қатнашувчилар учун «Калибри» Арт-бюроси ўқувчиларнинг моделар намойиши, Республика ўқувчилар саройи доирачилари дастури, Кўргирчоқ театрининг «Кто сказал мяу?» (Ким мяу деди?) номли спектакли саҳналаштирилди.

— Тадбирдан мақсадимиз, болаларда табиат ва жониворларга нисбатан меҳр уйғотиш, уларни асраб-авайлашга ўргатишдир. — дейди «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ижрочи директори Д. Алижоновна. — Болаҳонлар кўзда порлаб турган қувонч мақсидимизга қайсидир маънода эришганимизни исботлайди.

Тадбирда ташкилчилар томонидан болаҳонларга байрам совғалари топширилди.

Раҳшона ТОШПҲАТОВА, «Туркистон-пресс»

кистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибни жорий этиш тўғрисида»-ги Қарори ижросини таъминлаш учун тадбиркорлик субъектларини, рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибни тушунириш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруш органлари ходимларини жалб этган ҳолда семинарлар ўтказилди.

Жумладан: Сергели туман ҳокимиятида Сергели, Яққасарой, Ҳамза ва Бектемир туманларида фаолият

Бўш вақтингизда

УЗОҚНИ КўРА ОЛАСИЗМИ?

Тадбиркор кўпична таваккал билан иш қилади. Шу боис ҳам у хар доим тасоффларга тайёр туриши керак. Ўзингизнинг ана шундай тасоффларга муносабатингизни аниқламоқчи бўлсангиз, ушбу тест саволларига «ха» ёки «йўқ» деб жавоб беринг.

- 1. Ҳар доим ёнингизда ручка ёки қалам олиб юрасизми?
2. Доимо соябон ҳамроҳингизми?
3. Эҳтиёт қисмлари бўлмас ҳам велосипедга саёхатга чиққан бўлардингизми?
4. Уйингизда мушук борми?
5. Хонадонингизда дори-дармонлар сақлайсизми?
6. Битта ихтисослик яхшику-я, лекин иккита бўлса ундан ҳам маъқул эмасми?
7. Пулни бир неча чўнтақда сақлайсизми?
8. Яққаланиб қолмаслик учун дўстингиз кўп бўлиши керакми?
9. Ҳар доим эҳтиёт бўлиш керакми?
10. Уйдаги музлатгичингиз хамиша тўла турадимми?
11. Бахтсиз ҳодисалардан суғурталангансизми?
12. Таваккалчилик ҳар доим катта бўлмаслиги керакми?
13. Автомобилда катта бўлмаган тезликда юриш сизга маъқулми?
Берилган саволларга ҳар бир «ха» жавобингиз 1 балла тенг бўлиб, уларни жамлаб кўринг. Энди тасоффга қанчалик тайёр эканлигингиз билан танишиб олинг:
9 БАЛЛДАН КўП. Очингиси айтиш лозим, сиз ҳаққонроқчи, масъулиятдан қочувчи инсонсиз. Фақат айрим ҳоллардагина ўйламай-нетмай қиладиган ҳаракатларингиз ҳаётингизга хушудлик бағишлайди.
3-9 БАЛЛ. Узоқни кўрадингиз, эҳтиёткор ва тадбиркор одамсиз. Бу сизга муваффақият келтириши, шубҳасиз.
3 БАЛЛГАЧА. Сизда воқеликни олдиндан кўра бишли қобилияти умуман йўқ. Шу боис ҳам ўзингизга тез-тез «Тўғри иш қилаяпманми?» деб савол берасиз.

Сўранг, жавоб берамиз

БИЗНЕСМЕН БўЛМОҚЧИМАН

Мен келгусида бизнесмен бўлишни орзу қиламан. Бизнес, яъни пул топиш ва ана шу топишган пулни асрашда, кўпайтиришда қандай қондаларга риоя қилишим керак?

Жамшид Одилов, Собир Раҳимов тумани, коллеж ўқувчиси.

Авалло сиз бизнес ва бизнесмен сўзининг маъносини яхши билиб олингансиз лозим. Бизнес—бу пулдан пул келтириб чиқариш бўлиб, бизнесмен эса бизнес билан шуғулланувчи пултопар кишидир. Умуман бизнес сўзи инглизча «business» иш дегани, «man» эса одам маъносини билдиради. Бизнеснинг ҳаракатсиз пулни тўплаш деганлар янглишади. Фақат ҳаракатдаги, даромад келтирувчи пулгина тирик пул бўлиб, бизнес бу ана шу пулни ишлаш билан деганидир. Бир сўз билан айтганда, бизнес бу руҳсат этилган, жамият аъзоларига наф келтирувчи фаолият билан шуғулланиб, пул, даромад топишни аналатади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳеч қим ўзини бизнес соҳасида ҳар томонлама билимдон мутахассисман, дея олмайди. Чунки ҳар қим бу соҳада хатоларга йўл қўйиши, янглишиши мумкин. Бизнесда мутлоқ ишончли тушунчангиз ўзи йўқ. Унда ҳар бир одам ўз ташвишида, фойдасини кўзлаб олиб-югуриши турган гап. Лекин, бизнеснинг, тадбиркорликнинг маълум қондаларига амал қилиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Булар куйидагилардир: Сиз пулни ўзингиз билган нарсанга қўйинг. Ҳар хил тасвирларга берилманг. Режалар ҳисобига эмас, мулк ҳисобига пул топинг. Сотиш мумкин бўлган нарсангагина пул сарфлаб, ўз фойдангизни олинг. Банкирларингизнинг сўзларига амал қилинг. Нарҳлар арзонлигида сотиб олинг, қимматлигида сотинг. Пулингиз ўлик бўлмасин, ҳар доим айланув турсин. Қанча пул қўйиш мумкин бўлса шунча қарз олинг. Фақат бу қарз манманлик учун эмас, ишингизни ривожлантиришга хизмат қилсин. Ҳеч қачон қарз бермасликка ҳаракат қилинг. Пулингизни бутун бошли тармоққа қўйиб нарҳнинг тебранишини кузатишни унутманг. Ушбу қондаларга риоя қилсангиз, мавжуд сармоянгни асло йўқотмайсиз ва фойдага эришасиз.

Шарифа ИЛЕСОВА ёзиб олди.

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ

ҲАР ТОМОНЛАМА КўЛЛАБ-қУВВАТЛАНМОҚДА

2006 йилда МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2007 йилда ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАГИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА КўЛЛАБ-қУВВАТЛАШ, ШУ АСОСДА АҲОЛИНИНГ БАНДИЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШНИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР ҚАТОРИДА АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТДИ. АЛБАТТА, БУНДА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИВОР МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ТОШКЕНТ ШАҲАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БўЛИМИ БОШ МАСЛАҲАТЧИСИ ОДИЛ АЛЛАЕВ ЖОРИЙ йўлнинг ўТГАН БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ХУСУСИЙ МУЛК ЭГАЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИ, ҚОНУНИЙ МАҲААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР БўЙИЧА КўЙИДАГИЛАРНИ ГаПИРИБ БЕРДИ:

монидан 2007 йилнинг 3 оий давомида бирмунча ишлар амалга оширилди.

Жумладан, жорий йилнинг 1-чораги давомида бошқармага тадбиркорлик субъектларидан жами 59 та ариза ва шикоятлар келиб тушди. Мазкур мунозабатларнинг туманлар бўйича таҳлилий куйидагиси: 6 та Чилонзор, 6 та Учтепа, 2 та Яққасарой, 14 та Шайхонтоҳур, 7 та Юнусобод, 7 та Миробод, 2 та Ҳамза, 2 та Сергели, 3 та Мирзо Улўғбек, 4 та С.Раҳимов ва 1 та Бектемир туманлари ҳамда 3 та мурожаатлар шахар ва 8 таси эса Республика идоралари ҳиссасига тўғри келган.


Бошқарма иш режасига мувофиқ Бектемир туманидаги 4 та тижорат банклари филиаллари ва Сергели туманидаги 5 та тижорат банклари фаолиятлари ўрганиб чиқилди. Ушбу ўрганишларда жами 144 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган бўлиб, бундан қонун бузилишларнинг 68 таси Бектемир, 76 таси эса Сергели туманларидаги банклар ҳиссасига тўғри келган.

Қонун бузилишларининг хусусиятлари бўйича таҳлили, яъни бу кредит ажратилса 6 та, 4 та ортинча ҳужжат талаб қилиб олишда, 92 та банк ҳисоб ва рағи очинишда шартномаларни расмийлаштиришда, ҳисоб рақамига банд солишда 1 та, 19 таси банк сиринга оид, 2 таси эса тўлов топшириқномаларини ижро этишда, 6 та ҳолатда ҳужжатларни қирим қилмаслик ҳамда 14 та ҳолатда бошқа турдаги қонун бузилишларни ташкил этган.

Мазкур қонун бузилишларини бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритилган. Киритилган тақдимномалар ижроси бўйича тижорат банкларининг жами — 3 та масъул ходими интизомий жавобгарликка тортилган бўлиб, шундан 2 тасига «хайфсан» берилди, 1 та ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Шунингдек, ҳисобот даврида бошқарма иш режасига мувофиқ Бектемир ва Сергели туман солиқ инспекцияларида амалдаги қонун ҳужжатларнинг ижро этилиши ўрганилиб, жами 141 та қонунбузилиш аниқланди. Мазкур қонунбузилишларни туманлар бўйича таҳлил қилганда, 38 таси Бектемир туман ДСИ, 103 таси Сергели тумани ДСИ ҳиссасига тўғри келган.

Аниқланган қонунбузилишларнинг хусусиятлари бўйича таҳлил қилингандан, булар тадбиркорлик субъектларига солиқ тўловлари бўйича ҳисобот қабул қилишда ортинча ҳужжатлар олиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқишда, молиявий жарима қўллашга ва бошқа ҳолатларга оид эканлиги аниқланди. Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқлари ҳимояси ва амалдаги қонунларни жойларда тарғиботини амалга ошириш борасида, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-ҳаражатларни қамраб олиш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва говларни бартараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбе-



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ
ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ХИКМАТЛАР

Барча боргаймиз ўлимга мутлақо,
Ким залолат ичра, кимлар — подшо.

Ўзгалар ҳар неки қилгай, сўйлагай,
Мўътабар зотларга тақлид айлагай.

Қасри олий подшоларга ҳавас,
Мурдаларга бир қулоч гўр бўлса, бас.

Пастга боқма, сен баландга сол назар,
...

...тор кафш кийсангу турмай шу дам,
Кенг биёбон кўйнига кўйсанг қадам.

Кенг биёбон ҳам қилур кўнглингни гаш,
Сенга чун зиндон бўлур сахрою дашт.

Ўзгаларнинг дардини комил билур.

Улки комилдир, сенинг ҳолинг билар,
Сен ўзинг ҳолингни билмайсен, жигар.

Гар тутун чиқса, сабаб ўтин ҳама,
Боиси оташ ва ё учун дема.

Ваҳм хато этгай магар, айлар галат,
Аклу идрок тўғрени кўзлар фақат.

Ақлимиз бир соя эрмиш аслида,
Соядек руҳнинг оёғи остида.

Ўт туташса шамга, ул порлар эмиш,
Бетиним нур тушса, тупроқ зар эмиш.

Душмани қимдир — билур ҳар жонивор,
Пайқагай ҳар не аломатларки бор.

Баски, душманликда ҳам ҳаддингни бил,
Бил ўзингни, сўнг ганимлик айлагил.

Қатра денгиз қасдига тушгайму ҳеч?
Улки нодон, йўқса тортишгайму ҳеч?

Ёш бола билмас қовушмоқ тотини,
Тотлидан билгай у ҳалво отини.

Кўзларинг ўнгида турган воқеот,
Кеча эрди сенга чексиз мушкулот.

Одамининг қуввати ҳадсиз эмас.

Не ила хурсанд эсанг дунёда, бил,
Айрилурсен — сен бунни фикр айлагил.

Ўзгалар ҳам сен каби шод эдилар,
Неки севмиш эрдилар, айрилдилар.

Хирс, ҳавас деб даҳр аро юрғай киши,
Ўз-ўзин оташда куйдирғай киши.

Айлама харжингни андоқ беҳисоб,
Харж этар чоғида аввал қил ҳисоб.

Йил бўйи дунёда ёз бўлсайди гар,
Ҳам қуёш тафтига ер тўлсайди гар.
Ўт-ўланлар қовжираб, қуриб бутун,
Боғу бўстонлар бўлур эрди ўтин.

Қиш магар хомуш эрур, севгувчидир,
Тиг агар хандон эрур, кесгувчидир.

Келса ғам, ўзни аламга қўймагил,
Оҳ чекиб, қошу қовоғинг ўймагил.

Ёш-яланг хондону кекса ўйлагил,
Ғам жигардин, ўпқадан келгай севинч.

Ёш-яланг кўзи мудом охурдадир,
Кексалар кўзи ҳисоб, охирдадир.

Ғам егил, миннатли нондин эт ҳазар,
Ғам егай оқил, гўдақлар — қанд-шакар.
Эргаш ОЧИЛОВ
тайёрлаган



(Давоми. Боши 1-бетда).

Кунни кеча шахримиздаги МХСК стадионидан ўз ўйини билан жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари мухлисларининг қалбини ром этиб, қойил қолдирган ўзбек футболнинг афсонаси — Миржалол Қосимовнинг футболдаги сўнгги хайрлашуви учрашуви бўлиб ўтди.

Шу кунни республикамизнинг турли бурчакларидан асл футбол ишқибозлари Миржалол Қосимовнинг катта футбол билан хайрлашувига бағишланган шоу байрамда иштирок этиш учун шахримизга келишди.

Тадбирни Ўзбекистон футбол федерацияси президенти М.Усмонов очди. Таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов раҳнамолигида спортнинг барча турлари, жумладан футболни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилган мустақил юртимиздан кўплаб олимпиада, жаҳон, Осиё чемпионлари, нуфузли халқаро турнирларнинг голиблари этиш билан чикишида муҳим омили бўлмоқда.

Йигирма йил давомида ўзбек футболни доврўғини жаҳонга ёйган, юксак техникага эга, бурчак ва жарима тўпларини тегишда бетакрор маҳорат соҳиби бўлган Миржалол Қосимов ҳам ана шундай спортимизнинг йирқи юлдузлари қаторига қиради.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ислоҳ Каримов яқинда имзо чеккан Фармонга биноан Ўзбекистон Миллий ва олимпия терма жамоаларининг катта устози Миржалол Қосимов ҳамда мамлакатимизда футболни тарғиб қилиш йўлидаги жонкуярлиги, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир юксак малакали футболчиларни тайёрлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ва кўп йиллик самарали фао-

лияти учун Фарғонанинг «Нефтчи» футбол жамоасининг бош устози Юрий Саркисян «Меҳнат шўхрати» ордени билан мукофотланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев Ва-танимизнинг ушбу юксак мукофотларини уларга тантанали равишда топширди.

Ёш эстрада кўшиқчиси Баҳодир Раҳимов ижросида М.Қосимов ҳақидаги кўшиқ янграганидан сўнг стадион узра Озодбек Назарбеков, Ғиёс Бойтоев, Гулсанам Мамазоитова, Рустам Ғойипов ва бошқа севимли санъаткорларимизнинг энг сара кўшиқлари янграб, футбол байрамига ўзгача фойз бағишлади.

Сўнг яшил майдонга бош мураббий Рауф Инилеев етакчилигидаги Ўзбекистон ҳамда Валерий Газзаев раҳбарлиги



остида Евроосиё юлдузлари терма жамоалари тушиши.

Майдонда шу кунни мухлис-лар Евроосиё термаси таркибида Дмитрий Хомич, Андрей Каряка, Альберт Саркисян, Сергей Семак, Виктор Онопко, Али Дайи каби Россия, Латвия ва эронлик чарм тўп усталари маҳоратидан баҳраманд бўлишган бўлса, мамлакатимиз термаси ҳам бугунги кундаги энг кучли футболчиларидан ташкил топди. Би-

аниқ тўп оширганидан сўнг боши билан берган кучли зарбаси дарвоза тўсинига тегиб қайтди.

Танаффус пайтида М.Қосимовнинг катта футболдаги дастлабки устозлари Ю.Господарчук, А.Пискарев ва бошқаларга ҳам қимматбахо совғалар берилди.

Иккинчи бўлимда ҳар иккала жамоа таркибида кўплаб ўзгаришлар амалга оширилгани ўйин суръатининг янада

Кувонарли томони шундаки, 2-бўлимнинг охирида дастлаб М.Қосимовнинг катта ўғли Миржамол майдонга тушган бўлса, сўнгги дақиқаларда Миржалол ўзини алмаштирган кичик ўғли Миржамолга сардорлик боғичини топширди.

Ҳа, спортда авлодлар алмашинуви, деган ибора бор. Ўйлаймизки, келгусида Миржамол ва Миржамол отасининг шонли йўлларидан бориб юртимиз футболни ривожига, даврунинг қурраи заминга тарақлишига ўз муносиб ҳиссаларини қўшади.

Ўйиндан олдин ўтказилган матбуот анжуманида Россиянинг ЦСКА командасининг машҳур мураббийи, Миржалолнинг севимли устозларидан бири Валерий Газзаев ҳар бир мамлакат терма жамоасини фақат шу юртининг ўзидан чиққан, ўз футболни пасту-ландини яқши биладиган мураббийгина муваффақиятлар сари етаклай олишини таъкидлаб ўтган эди. Биз ҳам шунга аминмизки, Миржалол Қосимов ҳам ўзининг яшил майдонда орттирган бой тажрибасини эндиликда мураббий сифатида терма жамоа ютуқларини таъминлашда қўллади.

ДИЛШОД ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА: ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ АФСОНАСИГА АЙЛАНГАН МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВНИНГ ХАЙРЛАШУВ ШОУ БАЙРАМИДАН ЛАВЖЛАР
Сарвар Урмонов (ЎЗА) олган суратлар.

МИРЖАЛОЛНИНГ ХАЙРЛАШУВ УЧРАШУВИ

ринчи бўлимда М.Қосимов Евроосиё термаси таркибида тўп сурди.

Учрашувда дастлабки хавфли ҳужумни терма жамоамиз аъзоси Павел Соломин уюштирди. Унинг аниқ зарбаси натижасида тўпнинг дарвоза тўрига тушишига оз қолди. Бироқ 16-дақиқада Павелнинг икки ҳимоячи ўртасидан жарима майдончасига шиддат билан ёриб кириши гол билан яқунланди — 1:0.

Рақиблар жамоасининг энг етакчи ўйинчиси, Эрон терма жамоаси таркибида 149 бор майдонга тушиб, 109 та гол киритган Али Дайи биринчи бўлимда терма командамиз дарвозаси томон тез-тез хавфли ҳужумлар уюштириб турган бўлса-да биринчи бўлимда ҳисоб ўзгармади. Хусусан, Али Дайининг Миржалолнинг

тезлашишига замин яратди. Бу гал Миржалол Ўзбекистон термаси таркибида ўйнади. Евроосиё командасининг қарши ҳужумларининг бирида 61-дақиқада Игорь Терловский ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Орадан 6 дақиқа ўтгач Али Дайининг боши билан берган зарбаси бу гал беҳато тарзда дарвоза тўрига тушди — 2:1.

Орадан бир дақиқа ўтгач рақиблар дарвозабони Хомич А.Гейнрихис кўпол тарзда тўхтаб қолганлиги учун белгиланган пенальтини М.Қосимовнинг ўзи аниқ бажарди — 2:2.

Марат Бикмаев ҳамда Андрей Карякаларнинг сўнгги тўплари шоу беллашувининг 3:3 ҳисобидаги дуранг натижа билан тугашига имкон яратди.

Спорт янгиликлари

ОЛИЙ ЛИГА: ОМАД ПОЙТАХТ ТОМОНДА

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ОЛИЙ ЛИГАСИДАГИ ЎН БИРИНЧИ ТУР УЧРАШУВЛАРИ ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ УЧУН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯҚУНЛАНДИ.

Турнинг пойтахтда бўлган марказий учрашувида жорий йилда чемпионлик уновини ҳимоя қилаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси «Марказий ҳарбий спорт клуби» стадионида юртимизнинг энг кучли клубларидан ҳисобланган «Насаф» (Қарши) футболчиларини қабул қилди.

Ўйиннинг энг қизиқ палласи иккинчи бўлимнинг охирига тўғри келди. Ўз майдонда очко йўқотишни истамган пахтакорчиларнинг кетма-кет уюштирган ҳужумлари сўнгги дақиқада самара берди. Равайн Хайдаров шогирдлари сўнгги икки дақиқа ичида «Насаф» дарвозасига учта гол киритишга муваффақ бўлишди.

Дастлаб, Анвар Солиев боши билан аниқ зарба йўллади. Нигериялик легионер Ихероуме Уче эса жамоадоши ошириб берган тўпни яқин масофадан дарвоза тўрига жойлади. Ўз дарвозасидан икита тўп олиб чиққан «Насаф» посбони Андрей Бакланов шу кунни энг фаол ўйин кўрсатган «Пахтакор» сардори Сервер Жеравовнинг узок масофадан йўллаган зарбасини ҳам қайтара олмади. Кучли рақибни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратган пойтахтликлар қимматли уч очкони кўлга киритди.

Учинчи ўринни эгаллаб турган пойтахтнинг яна бир вакили — «Қурувчи» футболчилари ҳам сафарда Сариосиёнинг «Тўполанг» жамоаси меҳмони бўлиб, сўнгги дақиқаларда киритилган голлар эвазига галаба қозонди.

Ўз майдонда ҳар қандай рақибга жиддий қаршилик кўрсатадиган «Тўполанг» футболчилари учун ўйин омадли бошланди. Улар биринчи бўлимда Тўлқин Мирзаевнинг аниқ зарбаси эвазига ҳисобни очинди. Аммо мезбонларга галабани ушлаб қолиш насиб этмади. «Қурувчи»нинг мохир ярим ҳимоячиси Рашид Фафуров учрашуви якунланиши арафасида иккита гол уриб, жамоасига 2:1 ҳисобидаги галабани тақдим этди.

Тошкент шахрининг яна бир вакили «Трактор» футболчилари 11-турда ўз май-

донда Азиз Тўхтабоев ва Олим Навқаровнинг голлари эвазига Ғузорнинг «Шўртан» жамоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратган, Бекободга бориб 9-турнинг қолдирилган баҳсида «Металлург»ни 2:1 га енгиб, уч очко олиб келди. Бу голларга Карлен Абрамов ва Дилшод Урмонов муаллифлик қилди.

11-турда эса пойтахт шарафини ҳимоя қилган жамоалардан фақат «Локомотив» очкосиз қолди. Бу жамоа Зарафшонда «Қизилқум» меҳмони бўлиб, 0:1 ҳисобида мағлубиятга учради.

Ўн биринчи турнинг қолган учрашувларида куйидаги натижалар кайд этилди: «Бухоро» (Бухоро) — «Анджон» (Анджон) 2:1, «Машъал» (Муборак) — «Металлург» (Бекобод) 5:1, «Самарқанд-Динамо» (Самарқанд) — «Вобkent» (Вобkent) 1:0.

Ҳозирча, «Нефтчи» жамоасига нисбатан битта ўйин кўп ўтказиб, 29 очко жамгарган «Пахтакор» футболчилари мусобақа жадалида биринчи поғонага кўтарилиб олди. Навбатдаги галабадан сўнг «Қурувчи» жамоасининг учинчи ўриндаги мавқеи анча мустаҳкамланди.

Мавсум бошланганидан буён атиги бештадан очко жамгарган «Тўполанг» ва «Металлург» жамоалари сўнгги поғоналарни эгаллаб турибди.

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ШАХМАТ БЎЙИЧА ЭРКАКЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ ОЛИЙ ЛИГА БУЛЛАШУВЛАРИДА ЮРТИМИЗНИНГ ЎН ТўРТ НАФАР ЭНГ КУЧЛИ ШАХМАТ УСТАСИ ГОЛИБЛИК УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРДИ.

Мусобақа якунига кўра, пойтахтлик шахматчилардан гроссмейстер Тимур Гареев ва халқаро тоифадаги спорт устаси Антон Филиппов бир хил — 9,5 очко жамғариб, Тошкент вилояти вакили Владимир Егин билан бирга совринли ўринларни эгаллади.

Чемпионат давомида Антон Филиппов ва Владимир Егин бирорта ҳам партияни бой бермасдан, олтига учрашувда галаба, еттигасида дуранг натижа қайд этди. Иккита партияда рақибларига имкониятни бой берган Темура Гареев эса энг кўп — саккизта беллашувда зафар кучди ва уч марта дуранг ўйнади.

Боҳир БЕК

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ «ЗАМОНАВИЙ ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР» МАРКАЗИДА ЎНДАН ОРИҚ ЛАБОРАТОРИЯ ВА БЎЛИМ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. БУ ЕРДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИЛМИЙ МАРКАЗ ЭСА БИОТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР БИЛАН ШУГУЛЛАНАДИ.

Фан

ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ

Биокимёвий ва озиқ-овқат саноати корхоналари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган тадқиқотлар ишлаб чиқаришга таътиб қилинади.

Янги хил биореактивларни яратиш устида ҳам изланишлар олиб борилади. Мураккаб биокимёвий тизимлар-

ни алгоритмлаш, жисм механикаси масалаларини ечишнинг ҳисоблаш усуллари яратиш тадбирлари кўрилади.

Янги марказ информацион технологияларнинг энг замонавий техникалари билан жиҳозланди.

Анвар ВАЛИЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАХРИДА ТАБИИЙ ГАЗДАН Фойдаланувчи саноат ва МАИШИЙ КОРХОНАЛАР ҲАМДА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг 2007 йил 24 майдаги 313-сонли ва «Тошкентгазтаъминот» Унитар корхонасининг 2007 йил 25 майдаги 87/п-сонли буйруқларига асосан Тошкент шаҳар туман филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилиб, Тошкент шахрининг 11 та «Тумангаз» филиаллари негизида «Тошкентшаҳаргаз» филиали ташкил этилди ҳамда 11 та «Тумангаз» филиаллари ушбу филиалнинг «Тумангаз хизмати» бўлимларига айланттирилди.

Эътирозлар бўйича ушбу эълон чиққан кундан бошлаб, 2 ой муддат мобайнида «Тошкентшаҳаргаз» филиалига мурожаат қилиниши мўмкин.

«Тошкентшаҳаргаз» филиали маъмурияти.
Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси, 59-а уй, Тел. 55-60-00.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2875 нусхада босилади.
Қўроғ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мўмкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.